

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

Зикрилла НЕЪМАТ

МАНГУ ҚЎШИҒИМСАН, ВАТАН

(Шеърлар, газаллар ва достон)

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018

УЎК 821. 512. 133-1 (082)
КБК 84(5Ў)7
Н 35

Неъмат, Зикрилла

Мангу қўшиғимсан, Ватан (*Шеърлар*) / З. Неъмат. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 168 б.

«Мангу қўшиғимсан, ватан» 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан нашрга тайёрланди. Ҳарбий соҳада фаолият юритаётган шоиримиз Зикрилла Неъмат шеърларидаги самимият унинг мевасиз дарахтни худа-беҳуда силкитмаслигини, яъни, қалбида айтар сўзи пишиб-етилганидан сўнггина қўлига қалам олишини кўрсатиб туради. Шоирнинг ҳарбий ватанпарварлик руҳида ёзилган шеърлари, ғазаллари ва «Спитамен» номли достонидан таркиб топган ушбу китоб ватан ҳимоячилари учун муносиб тухфа бўлади, деган умиддамиз.

УЎК 821. 512. 133-1 (082)
КБК 84(5Ў)7

© Зикрилла Неъмат
© Гафур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2018

ISBN 978-9943-5148-0-5



ШЕЪРЛАР

ЭЛУ ЮРТИМ ПОСБОНЛАРИ

Элу юртим посбонлари,
Бурчга содиқ ўғлонлари,
Сиз борсизки, эл фаровон,
Тиниқдир юрт осмонлари.

Кезиб шому саҳарларда,
Гоҳ қишлоқ, гоҳ шаҳарларда,
Хизматдасиз, ҳаётингиз –
Ўтса-да хавф-хатарларда.

Эл тинчлигин шон билгайсиз,
Кўксингиз қалқон қилгайсиз.
Керак бўлса, эл-юрт учун
Жонингиз қурбон қилгайсиз.

Сизга омад кулаверсин,
Ёвузлар фош бўлаверсин.
Дўстлар, мағрур кўксингизга
Юлдузчалар кўнаверсин.

Етиб мақсад-ўйингизга,
Омон қайтинг уйингизга.
Улансин юрт байрамлари
Улуғ байрам, тўйингизга.

АСКАРЛАР

Хур Ватаннинг ўғлонлари – аскарлар,
Мағрур кўкси қалқонлари – аскарлар,
Шаҳдам-шаҳдам қадам ташлар сафларда,
Тинчлигимиз посбонлари – аскарлар.

Кўркам либослари бирам ярашган,
Шўх қизларжон ҳавас билан қарашган,
Ёвлар билан Алпомишдай савашган,
Юртнинг марду майдонлари – аскарлар.

Йигитларнинг энг марди, энг сараси,
Юрса, титрар тоғу тошлар дараси,
Асрагайдир Ватанин – кўзин қорасин,
Элнинг фидойи жонлари – аскарлар.

Юрагида номуси бор, ори бор,
Эл- юртни асрамоқ шиори бор,
Керак бўлса, Ватан учун, халқ учун
Жонин фидо қилмоқлик қарори бор.

Аскарлик бу – ўту олов пайтингиз,
Тинчлик кўшиғин баралла айтингиз.
Бурчингизни шон-шараф бирла оқлаб,
Уйингизга соғ-саломат қайтингиз.

Хур Ватаннинг ўғлонлари – аскарлар,
Мағрур кўкси қалқонлари – аскарлар,
Шаҳдам-шаҳдам қадам ташлар сафларда
Тинчлигимиз посбонлари – аскарлар!



ЎҒЛОНЛАР

Аҳд-вафони аждодлардан ўргангай
Элу юртим деган фидойи жонлар.
Мудом шарафу шонларга буркангай
Ватан хизматида юрган ўғлонлар.

Юрагида номус бўлур, ор бўлур,
Мағрурликда лочин бўлур, сор бўлур,
Орзулари тоғдек улуғвор бўлур,
Ватан хизматида юрган ўғлонлар.

Бўстонига қузғунларни йўлатмас,
Қўрғонининг бир тошин ҳам қулатмас,
Ичган қасам, айтган сўзидан қайтмас,
Ватан хизматида юрган ўғлонлар.

Сарҳадларда мудом хушёр, сергақдир,
Элу юртга таянч ҳамда тиргақдир.
Халқ тилида айтсам: асл эркақдир,
Ватан хизматида юрган ўғлонлар.

Сувлар кечса ҳамки, этик ечмагай,
Ёвузларнинг ҳийласига учмагай,
Жондан кечса ҳамки, юртдан кечмагай,
Ватан хизматида юрган ўғлонлар.

ПОДПОЛКОВНИК ҲАСАН АСАДОВ
МОНОЛОГИ

*Террорчилар билан аёвсиз кураишда
қаҳрамонларча ҳалок бўлган
ҳамкасбимиз хотирасига*

Ёвлар менга чекин деди, мен дедимки: “Йўқ!”
Писанд эмас эди менга пўписаю дўқ,
Номард ёвлар узди ногоҳ кўксим томон ўқ,
Қасд қилса-да шум ғанимлар гар ҳаётимга,
Содиқ қолдим мен ўз бурчим, Қасамёдимга.

Юртим, сени севмоқ – ишқу савобим эди,
Тупроғингни ўпмоқ – эзгу тавофим эди,
Ёвузларга нафрат – кескин жавобим эди,
Гарчи қаттол ёвлар жоним кетдилар олиб,
Мен она юрт тупроғида ётурман ғолиб.

Ота, мени кўз ёш билан эсламанг асло,
Онажоним, фақат гоҳ-гоҳ айлангиз дуо,
Ёрижоним, менман ўшал эсан шўх сабо,
Хур-хур эсиб боғу роғлар, тоғлар ошарман.
Фарзандларим ҳаётида мангу яшарман!

АСКАР ОНАСИ

Матонат бобида битиб шеър-достон,
Айтайин келганда гапнинг хонаси:
Бу ёруғ оламда энг бахтли инсон –
Аскар онасидир, аскар онаси.

Она юрт меҳрини юракка жойлаб,
Элга посбон бўлмиш жигарпораси.
Мағрур ўғлонидан турар фахр айлаб,
Аскар онаси у, аскар онаси!

Сокин сарҳадларда бедор тикиб жон,
Ватанни қўриқлар кўзин қораси.
Суратига боқиб, жилмаяр шодон –
О, аскар онаси, аскар онаси!

Хаёлан сочларин силаб тургайдир,
Соғинчларга тўлиб кўзин жоласи.
Кенг дунёга тинчлик тилаб тургайдир,
О, аскар онаси, аскар онаси!

Ўғлонинг ўз бурчин оқлагай, ишон,
Тинмагай то абад Бахт таронаси.
Сенга олқиш бўлсин, сенга шараф-шон,
О, аскар онаси, аскар онаси!

Дунёда оналар бўлсин деб омон,
Барча ўғлонларинг кўксидир қалқон.
То дунё тургунча бор бўл, омон бўл,
О, аскар онаси – жон Ўзбекистон!



ВАТАН УЧУН ЖОНДАН КЕЧГАН ЎҒЛОНЛАР

Эй, Сиз ёв-ла жангга кириб, шаҳид бўлган ўғлонлар,
Она юртин жонидан ҳам азиз билган ўғлонлар,
Ватан учун кўксин қалқон қилган марду майдонлар,
Гарчи Сиздан айрилишдан бугун қалблар ўрганар,
Хур Ватанга садоқатни диллар Сиздан ўрганар.

Онажонлар оҳлар чекиб қолди-ку, оҳ қалбим деб,
«Ватан учун жон берибсан розиман, дилбандим», деб,
Элингиз суярди-ку сизни ўз фарзандидек,
Энди ҳар тонг табиат ҳам Сизни қўмсаб уйғонар,
Бўстонига муҳаббатни гуллар Сиздан ўрганар.

Юртфурушлар билиб қўйсин, бу юртнинг ўз марди бор,
Юрагида Ватан ишқи, шижоати, шаҳди бор,
Хиёнаткор чаёнларни янчиб ташлаш шарти бор,
Ўзбек элин ўз эрки бор, кўз тиколмас ўзгалар,
Жасурлигу жасоратни дўстлар Сиздан ўрганар.

Хотирангиз токи Дунё бордир мангу қолгайдир,
Садоқатда ёшу қари Сиздан ибрат олгайдир,
Бу Ватанга қасд қилганлар хасдек хор-зор бўлгайдир,
Керак бўлса, Ватан учун тоғу тошлар қўзгалар,
Мардлик ила матонатни эллар Сиздан ўрганар!

ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИ

(Кўшиқ)

Ички ишлар ходимлари – кўкси қалқонлар,
Олов қалбли, матонатли марди майдонлар.
Эртаю кеч тиним билмай хизматдадирлар –
Қасамёдга садоқатли, мағрур посбонлар.

Гар бошига ташвиш тушса ҳар бир одамзод
Энг аввало шу зотлардан кутгайдир нажот.
Улар борки, шод-фаровон яшар халқимиз,
Улар борки, осойишдир, тинчдир бу ҳаёт.

Эл тинчи деб кечар ҳузур-ҳаловатидан,
Кечар ҳатто ўз жонидан, ўз ҳаётидан.
Эртаю кеч бедор бўлиб, ўз она халқин –
Асрагайдир ёвузларнинг разолатидан.

У Ватанни саждагоҳим, иймоним дегай,
То абад тинч бўлсин Еру осмоним дегай,
Бутун умр эл дардида ёнгани боис,
Эл ҳам уни севиб, азиз посбоним дегай.

Ички ишлар ходимлари – эл посбонлари,
Ҳур Ватаннинг ором билмас, мард ўғлонлари.
Элу юртим тинч бўлсин, деб ҳар он, ҳар лаҳза,
Симоб янглиғ қалқиб турар азиз жонлари.

БЕДОРМИЗ, ВАТАН

Бешикда болалар тинч ётсин учун,
Оламини орзулар уйғотсин учун,
Субҳидам тонглари тинч отсин учун,
Муқаддас бағринда бедормиз, Ватан,
Сенга фидо бўлсин, фидо жону тан!

Сен учун кўксимиз қалқон қилурмиз,
Ҳатто тоғни урсак қалқон қилурмиз,
Ёвлар бош кўтарса, яксон қилурмиз,
Бахтинг асраб доим, хушёрмиз, Ватан,
Сенга фидо бўлсин, фидо жону тан!

Нон тузинг унутган бирор бир нокас.
Ногоҳ кўзларингга сочмоқ бўлса хас,
Жазосин бергаймиз шу он, шу нафас,
Тинч-омон бўлсанг бас, биз бормиз, Ватан,
Сенга фидо бўлсин, фидо жону тан!

Байраминг байрамга улансин дея,
Тўйингда алёрлар куйлансин дея,
Боғларинг ҳеч хазон бўлмасин дея,
Сен деб жон бермоққа тайёрмиз, Ватан,
Сенга фидо бўлсин, фидо жону тан!



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4653> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4653> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4653>